



HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 23-dekabr, 2009-yil • №52 (653) • 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan • e-mail: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

ИЖТИМОЙ МАВЗУДАГИ МЕДИАМАХСУЛОТЛАР МИЛЛИЙ ФЕСТИВАЛИ

Яқинда Бухоро шаҳрида ижтимоий мавзудаги медиамаҳсулотлар II Миллий фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида энг яхши ижтимоий мавзудаги аудио ва видеомаҳсулотлар танлови ўтказилди.



⇒ 2-бет

ИШХОНАСИ — ИККИНЧИ ҲАМ

Ҳамма ҳам бировнинг қўл-ёзмасини ҳадеганда тушунавермайди. Лекин Дилобар ҳар қандай тушуниб бўлмайдиган «ажо-бужи» ёзувини ҳам бемалол ўқий олади. Агар бир кун Дилобарнинг компютери ишламай қолса дарров билинади. Чунки унинг бармоқлари сеҳрли, ўзгаларниқига ўхшамайди...



⇒ 4-бет

ОТНИНГ АРАЗИ

Ишонасизми, йўқми, от қаттиқ аразлаб, етти кун емишга қарамади. Баъзан кўзларида ёш қалқиб кетарди. Унинг қопқора кўзларидан сизиб тушаётган ёш томчиларни кўриб, ўзим ҳам бардош беролмай қолдим. Беихтиёр йиғлаб юбордим...



⇒ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 декабрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.

Мулоқот чоғида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди.

21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлариغا имзо чекди.

21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг мажлиси ўтказилиб, унда «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Самарқанд вилоятида ижро этилишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

Сеулдаги Корея Республикаси Миллий музейида «Шарқ ва Ғарб тамаддуни чорраҳасида: Ўзбекистоннинг қадимий маданияти» кўргазмаси очилди. У Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Жанубий Корея Республикаси Ташқи ишлар ва савдо, Маданият, спорт ва туризм вазирликлари кўмағида ташкил этилди.



Хайрли мақсадлар ижобати

Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар, аввало, халқимиз турмуш шароитини янада яхшилаш, фаровонлигини ошириш, даромадини кўпайтиришга қаратилган. Ишлаб чиқарувчилар билан савдо корхоналари ўртасида шартномавий муносабатларни мустаҳкамлаш, ички истеъмол бозори

ни маҳаллий саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан тўлдириш бу борадаги ислохотларнинг муҳим йўналишидир.

Пойтахтимизда бошланган 2010 йилда истеъмолчиларга озиқ-овқат, енгил саноат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш бўйича улгуржи савдо ярмаркаси ҳам ана шу хайрли мақсадлар ижобатига йўналтирилган десак янглиш

маймиз. Тадбирда йирик ишлаб чиқариш корхоналари қаторида кичик бизнес вақиллари ва хусусий тадбиркорларга ҳам кенг ўрин ажратилган. Савдо майдонлари бепул берилгани ярмарка иштирокчилари сонининг ўсишига ҳам ижобий таъсир этиб, жорий йилда улар сони икки юздан ошди.

ЎЗА материали асосида тайёрланди.

Суратларда: ярмаркадан лавҳалар. Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

САЙЛОВ — 2009

Муҳим тадбирга жиддий таралду

Демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари устувор бўлган давлатда сайловлар энг муҳим конституциявий-ҳуқуқий институтлардан бири ҳисобланади ва унинг халқаро эътироф этилган қондалар ўзига мақдолоғи ва ошқора ўтказилиши демократия тамойилларининг амалда қўлланилишини дарак беради. Президентимиз таъбири билан айтганда «... аслида сайлов дегани — бу, аввало, ўз ҳуқуқини англаган ҳолда, эркин танлаш ва оғли овоз бериш демократия». Мамлакатимизда жорий йилнинг 27 декабрь куни бўлиб ўтадиган умумхалқ сайлови ҳам жуда оз муддат қолди. Фурсатдан фойдаланиб, айрим вилоятларда ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган сайлов комиссиялари билан боғланиб, амалга оширилган тайёргарлик ишлари ҳамда сайловчилар учун яратилган қудайликлар билан қизиқдик.



— Ҳуқуқий демократик жамият куриш сари одимлаётган юртдошларимиз сайлов танлов имконияти ва масъулияти эканини яхши билишди, — дейди Бухоро вилоят сайлов комиссияси раиси Аҳад Жумаев. — Маъмур сийсий тадбирнинг кўтаринки руҳида ўтказилиши учун Бухоро вилоятида катта тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Депутатликка номзоди қўйилганлар корхона ва ташкилотларда, илм маканларида, фуқаролар йиғинларида ўзларининг сайловолди тарғибот-ташвиқот ва дастурий вазифалари юзасидан учрашувлар ўтказиб келаётган

ни сайловчиларга номзодлар билан яқиндан танишиш ва уларнинг орасидан ўзига мақбулини танлаш имконини бермоқда. Айтиш мумкин, вилоятдаги жами 465 та сайлов участкаси катта сийсий тадбирга тайёр ҳолга келтирилган, хусусан, овоз бериш хоналари, яширин овоз бериш кабиналари, сайлов қутилари ва сайловчиларга зарур бўлган барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Ҳайлиманки, вилоятда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 1 миллион 14 минг 100 нафар сайловчи сийсий партиялар томонидан кўрсатилган ном-

зодлардан ўзларига энг муносибларини танлаб, уларга овоз беришди. — Қорақалпоғистонда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 8 та, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кеңесига сайлов ўтказувчи 86 та сайлов округлари ташкил этилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси сайлов комиссияси раиси Ернарзар Дўманов. — Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бу йилги сайловларда 1 миллиондан зиёд сайловчи иштирок этади.

2 »

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Йилгилишга отланаётгани боис вақт тизги бўлишига қарамай фикрларини бафуржа эшитган Қумқўрғон туман ҳокими ўринбосари Ойбек Астанов Оқсой қишлоғи ҳаёт тарзи, у ерда маҳалла фаоллари ҳамкорлигида амалга оширилаётган ибратли ишлар билан танишишни маслаҳат берди. Оқсой ва оқсойликлар ҳақида илгари ҳам бир-икки эшитганларим боисми, ушбу таклифдан сўнг ўзимда ҳам қишлоқ аҳли билан яқиндан танишиш истаги пайдо бўлди. Қишлоқ манзилни суриштириб йўлга тушдим.

Оқсой ва оқсойликлар

Қишлоқ туман марказига шундоқ тўташ бўлгани сабаб уни топиш қийин кечмади. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Низом ака Маматқулов билан фуқаролар йиғини биноси рўпарасида учрашдик.

Вилоятнинг кўпгина маҳаллаларида бўлганман. Очиги, «Оқсой» маҳалла идорасига кириб борар эканман, идора ҳақиқатда кошона бинода жойлашганини тасаввуримга ҳам сиздирмагандим. Бутун маҳаллалар учун ибрат бўлишига арзигулик барча шарт-шароитлар муҳайё этилган ушбу идорадаги шароитдан нафақат туман, вилоят маҳаллалари ҳам ибрат олса арзийди, деган фикр ўтди хаёлимдан.

— Бизда элнинг назарига тушган инсонлар кўп. Улардан бири «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби Файзи ота Маматмуродов бўлади, — деди маҳалла сардори Низом ака. — Файзи ота узоқ йиллар собиқ жамоа хўжа-

лигини бошқарган. Ҳозир ҳам у киши барча юмушларда эл-юрт қорига бош-қош бўлаётгани ибратли.

Гарчанд у киши нафақага чиққан бўлса-да, баъзи бировларга ўхшаб қолган умрини чойхона-ю, гап-гаштакларда ўтказишни ўзига эп кўрмайди. Бутун ҳаётини меҳнат билан ўтказмагани, ҳали уни, ҳали буни баҳона қилиб, маҳалла, эл-юрт ишига қарашади. Зарур бўлганда шахсий маблағини ҳам аяб ўтирмайди. Маҳалла ҳудудида тадбиркор борми, корхона-ташкилот борми, бир-бир кириб-чиқиб, уларни ҳам хайрли ишга даъват этади.

Президентимиз томонидан 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинган барча юртдошларимиз қатори оқсойликлар учун ҳам айти мудоа бўлди.

2 »

АНЖУМАН

Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида

Мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Инсон ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини эса ОАВ фаолиятисиз тасаввур этиш қийин. Давлатимиз томонидан олиб борилаётган ижтимоий сийсат, яратилган ҳуқуқий асосларнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш, бу борада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни кенг ёритиш оммавий ахборот воситалари фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир. Бу эса журналистлардан соҳага ихтисослашув, бу йўналишда замонавий билим-кўникмаларга эга бўлишни талаб этади.

Шу ўринда қайд этиш керакки, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан журналистлар малакасини ошириш, матбуотни инсон манфаатларини таъминлаш мавзуларидаги материаллар билан бойитиш борасида қатор лойиҳалар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази билан ҳамкорликда мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда босма ахборот воситалари, интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида анъанавий «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» ижодий танловини ўтказиб келинаётгани ҳам бунга яққол далил бўла олади.

Жорий йилда ўтказилган танловда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги 50 дан ортиқ босма оммавий ахборот воситалари вақиллари ўзининг 600 га яқин мақола ва ижодий ишлари билан иштирок этди. Яқинда ана шу ижодий танловнинг голибларини тақдирлаш маросими ҳамда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ-манфаатларини таъминлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ва оммавий ахборот воситаларида ёритилиши масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, давлат ва жамоат ташкилотларининг масъул вақиллари, босма оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ва ходимлари иштирок этди.

Тадбирни очган Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Абдулазиз Абдуллаев бу йилги танловга тақдим этилган материаллар мамлакатимизда инсон ҳуқуқ-манфаатлари ҳимоясида амалга оширилаётган ислохотлар, Ўзбекистон Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган қонун ҳужжатлари, давлатимиз раҳбарининг бу борадаги фармон ва қарорларининг мазмун-моҳиятини аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилганини қайд этиб ўтди.



Давра суҳбатда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов сўзга чиқиб, кейинги йилларда юртимизда аҳолининг турли қатламлари сийсий саводхонлигини ошириш борасида улкан ишлар қилинаётгани, Президентимизнинг матбуот аҳлига билдираётган юксак эътибори хусусида гапираркан, муамладан шундай деди: «Юртбошимизнинг журналист ислохотлар жараёнида қузатувчи эмас, тенг ҳуқуқли иштирокчи бўлиши керак, деб таъкидлаш ҳам журналистларнинг жамиятдаги нуфуздан далолат беради. Ахборот жамият деб ном олган асримизни ОАВсиз тасаввур этишимиз қийин бўлгани ҳолда, бу жараёнларда журналистнинг жасорати, ҳолиселиги, масъулияти алоҳида ўрин тутишини ёддан чиқармаслигимиз керак.»

(Давоми 4-бетда.)



Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилди.

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Муҳим тадбирга жиддий таралду

(Бошланғич 1-бетда.)

Барча участка сайлов комиссиялари қонунда белгиланган тартибда қонунлар тўпламлари, бошқа ҳуқуқий адабиётлар ва зарур жиҳозлар билан таъминланди. Сийсий тадбирга тайёргарлик кўриши ва ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишларни амалга оширишда бевосита участка сайлов комиссияларига тақдирот, қорхона ва муассасалар кўмаклашмоқда.

Маъжур комиссияларга қонунда белгиланган ваколатларини амалга ошириши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Хар бир сайлов участкасига навбатчи машиналар ажратилди. Шу билан бир қаторда участкаларнинг барчасида сайловчилар рўйхатлари шакллантирилиб, ҳамма кўриши учун қўлай бўлган жойларга олиб кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, шаҳар ва туман Кенгашига депутатликка номзодлар сайловдолиги учрашувларини мустақил равишда ўтказмоқда. Жойларда сайловдолиги ташвиқоти ишларини олиб боришда барча номзодларга тенг шароит яратиб берилган.

— Яқинда бўлиб ўтадиган муҳим сийсий тадбирга вилоятимизда ҳам катта тайёргарлик кўрилди, — дейди Қашқадарь вилоят сайлов комиссияси раиси Мирза Турсунов. — Айни пайтда вилоятнинг барча ҳудудларидаги сайлов округлари ва участкаларида депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан қизғин учрашувлари давом этаётти. Сайловчилар ушбу учрашувларда қатнашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олмақда, партия ва номзодларнинг дастурлари билан яқиндан танишиши имконига эга бўлишмоқда. Муҳим босқич — сайловчилар рўйхатини тузиш жараёни ҳам яқинда етказилди. Унга қўра вилоят бўйича 1,5 миллиондан зиёд фуқаро рўйхатга олинган. Халқимизнинг маъжур сийсий жараёнига жиддий ёндашганларини уларнинг ҳаётиимизда рўй бераётган сийсий воқеаларда фаол иштирок этишида ҳам яқинда иштирок бўлмоқда.

— Бизда сайловнинг сўнги босқичига ушшоққил билан қадам ташланди, — дейди Фаргона вилоят сайлов комиссияси матбуот гуруҳи раҳбари Тилаво-

ди Жўраев. — Вилоятдаги барча сайлов округлари ва участкалари сайловларга тайёр қилиб қўйилди. Кўчаларга, иморатлар пештоқига сайлов участкалари жойлашган биноларни яқоқ кўрсатувчи ишора ва белгилар қўйилган. Овоз бериш хоналари, тиббий ёрдам кўрсатувчи хоналар иситилган, моддий-техник жиҳозлар билан таъминланган, алоқа воситалари ишлаб турибди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига вилоятдан 56 та номзод, уларнинг 19 таси аёл, халқ депутатлари вилоят кенгашига эса 185 та номзод рўйхатга олинган бўлиб, шундан 35 нафарини фаол аёллар ташкил этади. Вилоятда республика ва маҳаллий ОАВ вакиллари билан 49 нафари аккредитациядан ўтказилган бўлиб, сайловга тайёргарлик жараёнини, шу жумладан депутатликка номзодларнинг учрашувларини ҳам фаоллик билан ёритишляпти.

— Пойтахтимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 12 та округ ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та округ ва 653 та участка тузилган, — дейди Тошкент шаҳар сайлов комиссияси раиси Жамолддин Шохамидов. — 27 декабрь куни сайловчиларимиз халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатликка номзодларини 214 нафар депутатликка номзодлар ичидан энг муносибига овоз беришига ишончим комил. Чунки сайловчилар номзодлар билан учрашувларда фаол қатнашиб, хар бир партия ҳамда номзод ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишди.

27 декабрь куни бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига ўтказилган сайловлар оддий фуқаролар — сайловчиларнинг ижтимоий ҳаётида ҳам таассурот қолдириши табиий. Катта сийсий воқелик арафасида уларнинг айримларининг кўнглидан кечаётган ўй-фикрларини ёзиб олдик.

— Давлатимиз мустақилликка эришганидан сўнг хар бир фуқаро ўз конституциявий — сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларидан самарали фойдаланиш имконига эга бўлди, — дейди Чирчиқ шаҳрида яшовчи Раҳматилла Абдуллаев. — Мен ҳам йигирма йил давомида давлат ҳокимияти вакилик органлари ва Президент сайловларида иштирок этиб келаяман ҳамда йилдан-йилга сайлов-

ларнинг жамият ҳаётидаги муҳим мезон эканига ишонч ҳосил қилмоқдам. Насиб бўлса мен ҳам оиламнинг, маҳалладошларимнинг, шаҳримизнинг манфаатлари учун курашадиган, халқимизнинг дарду қувончига шерик бўла оладиган муносиб номзодларга овоз бераман.

— Айни пайтда ҳаёжонимнинг чеки йўқ, — дейди Тошкент шаҳар Учтепа туманида яшовчи Севара Каримова. — Негаки бу йил эндигина 18 ёшга қадам қўйдим ва яқинда ўтадиган сайловда ўз сийсий ҳуқуқларимдан фойдаланаман. Ўзим яшайдиган ҳудудда ташкил этилган 25-сайлов участкасига бориб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашига ўз номзодини қўйган кишиларнинг тархимаи ҳоли ва дастурлари билан танишдим. Бундан ташқари номзодлар билан учрашувлар ўтказилмоқда, телевидение ва матбуотда уларнинг чиқишлари мунтазам равишда бериб боришмоқда. Яқинда NTT каналда партия вакилларининг дебатлари кўрсатилди. Ҳақиқатдан ҳам сайловдолиги курашлари икки қизим кечаяпти. Ўзим Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида тахсил олаяпман. Мени энг тўнғирини депутатликка номзодини қўйган кишилар орасида журналист аёлларнинг ҳам борлиги бўлди. Бундан ташқари, номзодларнинг сайловдолиги дастурларида биз ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқларимиз, келажагимиз янада яқинлаштиришга жуда катта эътибор қаратилгани ҳам мени жуда хурсанд этди. Уйлайманки, бўлажак депутатлар биз ёшларнинг манфаатларини ҳам кўзалайди ва ҳимоя қилади.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида халқимизнинг ижтимоий ҳаёти, давлат ва жамият бошқарувига муносибати тубдан ўзгарди. Бунда албатта, ортимизда сайлов қонунчилигининг тақомиллаштириш бораётгани ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Уйлайманки, фуқароларимиз бўлажак сайловларда иштирок этиб, номзодлар орасидан юртимиз равақи, халқимиз фаровонлиги йўлида фаолият кўрсатадиган муносиб кишиларни сайлайди ҳамда шу орқали хар бир сайловчи мамлакатимиз эртанги кели, келажаги, порлоқ истиқболи ва халқимиз фаровонлиги учун овоз беради.

Иномжон АБДИЕВ ёзиб олди.

Ижтимоий мавзудаги медиамаҳсулотлар Миллий фестивали

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси (ЎЭОАВМА) томонидан нобавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси кўмагида икки йилдан буён ижтимоий мавзудаги медиамаҳсулотлар Миллий фестивали ўтказиб келинмоқда.

Яқинда Бухоро шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда БМТнинг ACCESS лойиҳаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Одам савдосига қарши курашиш бўйича Идораларо комиссия, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Хотин-қизлар кўмитаси, "Қамолот" ЕИХ, "Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, «Меҳр нури» хайрия жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Олтин мерос», «Маҳалла» жамғармалари, Тошкент Реклама бевурачлик ассоциацияси ҳамда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Жаҳон банки, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ижтимоий мавзудаги медиамаҳсулотлар II Миллий фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида «Инсонпарварлик ва меҳр-муруват», «Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш», «Умуминсоний қадриятлар, асрий анъаналар ва ўзбек халқининг урф-одатларини асраш ва келажак авлодга етказиш» йўналиши бўйича «Ишон-ТВ» ходими Э.Гўрўглиев «Миллий қадриятлар» ролиги учун, радиоролик йўналишида эса «Орият доно» радиоси ижодий гуруҳи, «Қишлоқ тарихи ва фаровонлиги йили» йўналиши бўйича «Самарқанд-СТВ» ходими М.Мамамаминзода, радиоролик йўналишида эса «Водий садоси» радиоси ижодий гуруҳи, «Оқулни касалликларнинг олдини олиш» йўналиши бўйича «Жиззах-ТВ» ижодий гуруҳи «Сил касаллиги» ролиги учун, радиоролик йўналишида эса «Гранд» радиоси ижодий гуруҳи олий мукофот — биринчи ўрин билан тақдирланди. Ҳали ҳам совриндорлар рақамли видеокамера, монтаж компютери, телевизор, DVD-плеерлардан иборат қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, халқаро ташкилотлар ҳам уларнинг махсус мукофотларини топширишди.



«Ишон-ТВ» радиоролик йўналишида эса «Орият доно» радиоси ижодий гуруҳи, «Қишлоқ тарихи ва фаровонлиги йили» йўналиши бўйича «Самарқанд-СТВ» ходими М.Мамамаминзода, радиоролик йўналишида эса «Водий садоси» радиоси ижодий гуруҳи, «Оқулни касалликларнинг олдини олиш» йўналиши бўйича «Жиззах-ТВ» ижодий гуруҳи «Сил касаллиги» ролиги учун, радиоролик йўналишида эса «Гранд» радиоси ижодий гуруҳи олий мукофот — биринчи ўрин билан тақдирланди.

ЎЭОАВМА Экспертлар кенгаши томонидан хар бир номинация бўйича ижтимоий мавзудаги 400 дан ортиқ теле ва радиоматериаллар ичидан энг яхшилари танлаб олинди. Муздақ юлдузлар хар бир номинация бўйича таниқли жамоат арбоблари, соҳа мутахассислари ва кўзга кўринган халқаро ташкилотлар вакиллари билан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан очик электрон овоз бериш йўли билан аниқланди. Унга қўра «Инсонпарварлик ва меҳр-муруват» йўналиши бўйича мустақил ишхорк М.Шайдул-

лина «Ёрдам қўлини чўз» видеоролиги учун, радиоролик йўналишида эса «Рухсор» радиоси ижодий гуруҳи, «Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш» йўналиши бўйича «Истиқлол-ТВ» дан Э.Худойкулова «Соғлом турмуш тарафдоримиз» ролиги учун, радиоролик йўналишида эса «Гранд» радиоси ижодий гуруҳи, «Умуминсоний қадриятлар, асрий анъаналар ва ўзбек халқининг урф-одатларини асраш ва келажак авлодга етказиш» йўналиши бўйича «Ишон-ТВ» ходими Э.Гўрўглиев «Миллий қадриятлар» ролиги учун, радиоролик йўналишида эса «Орият доно» радиоси ижодий гуруҳи, «Қишлоқ тарихи ва фаровонлиги йили» йўналиши бўйича «Самарқанд-СТВ» ходими М.Мамамаминзода, радиоролик йўналишида эса «Водий садоси» радиоси ижодий гуруҳи, «Оқулни касалликларнинг олдини олиш» йўналиши бўйича «Жиззах-ТВ» ижодий гуруҳи «Сил касаллиги» ролиги учун, радиоролик йўналишида эса «Гранд» радиоси ижодий гуруҳи олий мукофот — биринчи ўрин билан тақдирланди. Ҳали ҳам совриндорлар рақамли видеокамера, монтаж компютери, телевизор, DVD-плеерлардан иборат қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, халқаро ташкилотлар ҳам уларнинг махсус мукофотларини топширишди.

Адиба УМИРОВА, «Hurriyat» мухбири.



«АХБОРОТНОМА»НИНГ ЯНГИ СОНИ



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси «Ахборотнома»нинг 3-4 сонлари нашрдан чиқди. Журнал мундарижасидан Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломовнинг «Очиқлик ва ошқоралик — сайлов кампаниясининг асосий тамойиллари» мақоласи ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг бир қатор қарорлари ўрин олган. Шунингдек, журналдан хорижий кузатувчиларнинг юртимизда бўлиб ўтиши кутилётган сайловга тайёргарлик ишлари юзасидан амалга оширилётган ишлар, яратилётган шарт-шароитлар ҳақида билдирган самимий фикрлари ҳамда вилоятларда ва Тошкент шаҳрида ўтказилган семинар-кенгашилар, давра суҳбатлари ва уларда муҳокама этилган мавзулар қисқача баён қилинган хабарлар ўрин олган. Нашра сайлов участкаларига тегишли барча маълумотлар ҳам мавжуд.

Ахборотномадаги материалларнинг ҳам ўзбек, ҳам рус тилида чоп этилгани кенг аҳоли қатламнинг ҳамда барча қизиқувчиларнинг маъжур нашрада маълумотлардан баҳраманд бўлиш имкониятини яратмоқда.

Ислом СУЛТОНОВ, «Hurriyat» мухбири.

ТАБИЙ ГАЗДАН ОҚИЛОНА ФЙДАЛАНИБ

Президентимизнинг «Деворбон материаллар ишлаб чиқариши кўнайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда «Ўздавнефтига инспекция»нинг Хоразм вилоят бўлими томонидан вилоятдаги мавжуд 59 та ништ заводидан 35 тасининг ҳолати ўрганиб чиқилмоқда. Шу жараёнда аниқланган камчиликларни бартараф этиш, табиий газдан оқилона, тежаб-тертаф фойдаланиш юзасидан амалий тадбирлар белгиланиб, тарғибот ишлари олиб бориляпти.

Ҳозиргача Шовот туманида жойлашган битта ништ заводига қарор талабларига ғўла-ғўликиса жавоб бериши учун тўхта берилди. Урганч туманида жойлашган ништ ишлаб чиқариш корхонаси қайта реконструкция қилинди. Бошқа ништ ишлаб чиқарадиган корхоналарда ҳам қарор талаблари асосида реконструкция қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ, «Hurriyat» мухбири.

АЖОЙИБ СОВГА

Хўжайли шаҳри йилдан-йилга ғўзаллашиб бормоқда. Унинг янги қиёфа касб этишида тадбиркорларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Яқинда тадбиркор Анипа Ўразимбетова Хўжайли — Нукус чорраҳасида жойлашган универсал дўкон биносини сотиб олиб, уни қайта реконструкция қилди. Бутунлай қайта таъмирлангандан кейин бино янги қиёфа касб этди. Фойдаланишга топширилган ресторан Хўжайлининг қадимги номи билан «Антаксия» деб номланди. Бу эса барча хўжайликларга тадбиркорнинг янги йил совғаси бўлди.

Ҳойиб ЁҚУБОВ, «Hurriyat» мухбири.

АНДИЖОН АСАЛИГА ЯПОНИЯЛИКЛАР ХАРИДОР

Яқинда Андижон шаҳрида асарлиқчилик соҳаси вакиллари иштирокида савдо кўргазмаси — Асал байрами иш бошланди. Учинчи бор ўтказилётган ушбу тадбирда табиий тоза асал етказиш борасида илгор тажрибадор хусусида ўртоқлашилмоқда.

— Минг дарда даво бўлган Андижон асаллиқчи довури дунёга кетган, — дейди вилоят асарлиқчилар уюшмаси раиси Соҳижон Мўминов. — Шу кунларда Кунчиқар мамлакат ва Россияга тадбиркорлар билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузмоқчимиз. Яна бир ютуғимиз Шаҳрихон туман Холдовонбек қишлоқ хўжайли коллежиде асарлиқчилик бўйича мутахассислар тайёрланыпти. Бу келажақда соҳанинг ривожланишига хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз.

Оқсой ва оқсойликлар

(Бошланғич 1-бетда.)

Негаки, бу борада қабул қилинган Дастур оқсойликлар учун ўз маҳаллаларини янада обод, кўркам қилишларида асосий дастуриямал бўлди. Маҳалла фуқаролар йиғини ҳам алоҳида дастур тузиб, йил давомиде амалга оширилиши лозим бўлган ишларни режалаштириб олди.

Албатта, фақат режа билан иш битмайди. Амалга оширилгани ҳисоб. Оқсойликлар бу борада хар қанча фахрланса арзийдиган юмушларни бажаришди. Маҳалла раиси Низом ақа ҳамда маҳалла хотин-қизлар, диний-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчиси Санам Раҳмонова экан билан бирга маҳаллани айланар эканмиз, биз бунга амин бўлдик. Қачонки инсон ўзи қилган хайри, савоби ва айниқса, қўнғинг манфаати учун бажарган ишидан аввало ўзи заъв олмакан, атрофдагиларни бундай ибратли ишларга жалб қила олмайд, уларнинг кўнглиларига ҳам қизиқиб, юқорида таъкидлаганимиздек уруғини ташлай олмайд.

Оқсой туман маркази билан тўташиб кетгани сабабли маҳалла

аҳли шундоққина шаҳар марказида, зарурат бўлса қўшни маҳаллаларга ўтиб ишни битираверамиз, деган фикрга бормай, одамларнинг турмуш тарзи учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни шу ернинг ўзиде яратишга бел боғлаган. Масалан, биргина жорий йилда аҳолига маиший ва сервис хизмати кўрсатувчи бешта нуқта ишга туширилди. Бундан ташқари 10 та савдо дўкони, 3 та сартарошхона, 1 та дорихона, замонавий ошхона ҳамда АКВА ромлари ишлаб чиқарувчи цех дастур асосида қурилиб, фойдаланишга топширилди. Яқин кунларда яна бир йирек савдо маркази ишга туширилиши мўлжалланмоқда.

— Маҳалла аҳлининг ярмидан кўпрогини хотин-қизлар ташкил этади, — дейди Санам Раҳмонова. — Уларнинг ақсарияти эса ёшлардан иборат. Шунинг учун ҳам ёш қиз-жувонларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратаёп-



миз. Бунинг учун имкониятларимиздан фойдаланишга ҳарақат қилаёмиз. Йил бошида тадбиркор аёллардан икки нафари — Дилбархон Алимова ҳамда Мухайёхон Сафароваларни қақриб, маҳалла қизларига касб ўргатувчи ўқув маркази ташкил этишларини илтимос қилдик. Улар тақлифимизни инобатга олиб, алоҳида ўқув маркази ташкил этди. Бугун уларнинг хар бири ойига 20 нафардан қизга турли касб-хунар сирларини ўргатиб, шоғирдлар тайёрлашмоқда. Бундан ташқари «Дўппи тикдим ипак-

лари тиллодан», «Энг намунали оила», «Энг обод хонадон», «Энг кўп дарахт эккан оила» номи танловлар ҳам маҳалла ёшларини маънавий-эстетик тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаяпти.

Маҳалла фаолияти билан танишар эканмиз, маъжур маҳалла нафақат Кўмкўрғон тумани, балки Сурхон воҳасидаги энг кўркам, обод қишлоқ маҳаллаларидан бирига айлиб бораётганига амин бўлдик. Кўчалардаги тозалик, хонадонлардаги озодлик, фаоллар томонидан йил давомиде дастур асосида амалга оширилган ишларнинг меваси эканидан дарах беради. Жорий йилда 1200 тул мевали, 1800 тул манзарали дарахт ниҳоллари ўтказилди. 1100 метр газ қувури янгиланган, 1000 метр масофага янгидан сув қувури тортилган, 1 километрдан ортиқроқ масофадаги электр тармоғи таъмирланди. Шунингдек, маҳалла ҳудудидаги 3500 метр ички кўчалар таъмирланган.

Маҳалла идорасида бўлган хар бир инсон маҳалла аҳлининг кундалиқ турмуши, маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятидан хикоя қилувчи фотоларлар, альбомлар,

Даврон ОРИПОВ, «Hurriyat» мухбири.

ВАЗИФА

дарс жараёнида назарий кўрсатмалар берилади ва дарслардан бўш пайтлариде амалий тарзда бажарилади.

Мамлакатимиз тараққиёти, буюк келажагини баркамол ёшларсиз, уларнинг ёрқин фикрларисиз тасаввур қилиш қийин. Фикри соғлом, иймон-этиқодида бутун, билими, маънавияти оқсак, ватанпарвар авлодини тарбиялаб вояга етказишда эса ота-оналар билан бир қаторда ўқитувчиларнинг ҳам ҳиссаси катта. Шундай экан, ёшларда табиатини севиш, ундан завқланиш руҳини янада юксалтириш, қолаверса уларда атраф-муҳитга нисбатан жавобгарлик туйғусини ривожлантириш ҳам бизнинг бурчимиздир. Соҳиба ХўЖАНАЗАРОВА, Салима РАҲМАТОВА, Сурхондарь вилоят педагогик кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ўқитувчилари.

Экологик маданиятнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни

чиларнинг ўзи тўла маълумотга эга бўлиши лозим.

Шуни алоҳида қайд жоизки, экологик маданиятнинг асосий максасди инсон ҳаётини узайтириш, сақлаб қолиш, табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиришдир. Дарслар жараёнида ўқувчиларга ишлаб чиқариш ва меҳнат экологияси, сув, ер, тупроқ экологияси, ҳайвонот олами экологияси, инсон экологияси, яъни ўзини муҳофаза қилиш маданияти ҳақида маълумот бериш ўқитувчининг асосий вазифаси ҳисобланади. Қолаверса, ўқувчининг онгига табиатини муҳофаза этиш, уни хар жиҳатдан асраш кезрақлигини сингдириш билан бир қаторда унинг бу жараёндаги фаол иштирокини

таъминлашга алоҳида аҳамият бериш лозим. Бундай ҳолатда эса бола хар бир фаолиятининг мазмунини тахлил қилишга ўрганади. Шу жараёнда, яъни ўқувчи мушоҳада юритар экан унинг онги янада ўса бошлайди.

Албатта, ўқувчилар ўртасида экологик маданият ҳақидаги билимларини тарғиб этишда эркин мулоқот, бахс ташкил этиш максасда мувофиқ. Шундай мунозаралар давомиде улар ўз фикрларини илгарти суришга ва уни ҳимоя қилишга интилишляпти. Бахс давомиде тўғри мушоҳада юритаётган ўқувчиларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаш, диққат билан кузатиш, тахлил этиш ҳамда ўз вақтида ёрдам бериш ўқитувчиларнинг зиммасидаги

масъулиятдир. Қолаверса, дарсдан ташқари ташкил этилган сайр, атраф-муҳитни кузатиш жараёнида табиий ресурсларни, ўрмон ва ҳайвонлар, ўсимликларни ўқувчилар ўз кўзи билан кўриб, қўли билан ушлаб фикр билдириши ҳам ижобий самара беради. Зотан, болаларнинг теварак-атроф билан мулоқоти қанча кўп бўлса, табиат ва ундаги барча мавжудотларнинг инсон ҳаётига қанчалик керакли эканини, ундан умумий фойдаланиш ва асраб-авайлаш лозимлигини шунча тевароқ ҳис қилади.

Бундан ташқари, экологик маданиятга доир тадбирларда педагогик технологиялардан тўғри фойдаланиш керак. Масалан, «Сув — ҳаёт манбаи», «Гийҳвандлик

бу...!», «Бизнинг ҳовлимиздаги қўл», «Соғлом бўлайлик», «Чекшининг зарари», «Ичкилик асорати», «Соғлом турмуш», «Атраф-муҳитни асраш», «Гуллар сайли», «Гуруҳларга бўлиниб ишлаш», «Занжир машқи», «Менинг кўшим», «Ижодий иш» каби методлар ҳам ўқувчи онгига таъсир кўрсатади. Жумладан, «Ижодий иш» методи ўқувчиларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга, эстетик дидларини шакллантиришга қаратилган. Бу — иншо ёзиш, сурат чизиш, лой-пластилиндан буюмлар ясаш, ёғоч ва металл ишлов бериш ҳамда гербарийлар йиғиш кўринишидаги кенг қамровли фаолият туридир. Ушбу методга қўра,

ЖАРАЁН

ТАНЛОВ

Ғолиблар муносиб тақдирланиши

Инсон ўз ҳақ-хуқуқини қанча кўп билса, жамиятдаги фаоллиги ҳам шунча ошиб бораверади. Демак, жамиятда қонунни бузиш, жиноят содир этиш ҳоллари анча барҳам топади. Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда Адлия вазирлиги юртимиз фуқароларининг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида "Адлия идоралари: ОАВ нигоҳида" номли кўрик-танлов эълон қилган эди. Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад биринчидан, юрtdошларимизнинг ҳуқуқий билимларини янада ошириш бўлса, иккинчидан қаламқашларнинг заҳматли меҳнатини муносиб рағбатлантиришдан иборатдир.

Қуни кеча Адлия вазирлигида мазкур кўрик-танловнинг жорий йилдаги ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирни очар экан, кўрик-танлов ҳайъати раиси, адлия вазири ўринбосари Ғайрат Ҳидоятлов бу ишда фаол иштирок этган таҳрирлар ва журналистларга ўз миннатдорчилигини билдирди. Кўрик-танлов 2010 йилда ҳам давом этишини таъкидлади.

— Якунига етаётган йилнинг ўтган даврида вазирлигимиз томонидан 40 мингдан кўпроқ тарғибот тадбирлари ўтказилди, — деди Ғ.Ҳидоятлов. — Шундан 15 мингга яқини аҳоли билан бевосита учрашув кўринишида ташкил этилди. Бу тадбирларимиз нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ жойларида ҳам ўтказилмоқда. Ана шундай учрашувларни оммага етказишда маҳаллий матбуот, телевидение ҳамда радио журналистлари бизга яқиндан ёрдам бераётганларини алоҳида эътиборга эсимиз.

Шундан сўнг вазирлик таъсис этган I, II, III даражали дипломлар ва қимматбаҳо совғалар ўз эгаларига топширилди. Танловнинг биринчи даражали дипломлари ҳамда рангли телевизорлар "Самарқанд СТВ" ижодий жамоасига, ORIAT телерадиоканалига, "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси таҳририятига, Ўзбекистон спорт киноси ва телевидение федерациясига топширилди.

"Ўзбекистон" телерадиоканалининг "Ахборот" информацион таҳлилий эшиттиришлар муҳарририяти, "Region.uz" газетаси жамоаси, Тошкент давлат юридик институти эса II ва III даражали дипломлар ҳамда қимматбаҳо совғаларга муносиб деб топилди.

Бундан ташқари, тадбир давомида Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг 2010 йилдан бошлаб "Хуқуқ билимдонлари" қувноқлар ва зукколар беллашувини доимий равишда ҳамкорликда ўтказиш юзасидан қабул қилинган қўшма қарори ва беллашувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом юзасидан маълумотлар берилди. Таъкидланишича, ушбу кўрик-танлов ҳар йили ҳуқуққа ихтисослашмаган коллеж ва лицей ўқувчилари ўртасида ташкил этилиб, унинг қамров доираси кенгайтирилади. Хусусан, танлов шартлари бирмунча такомиллаштирилиб, ғолибларни кўпроқ рағбатлантириш режалаштирилди.

Тадбир якунида мазкур республика кўрик-танловини ҳар йили доимий равишда ўтказиш ва унинг қамровини янада кенгайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Матёқуб НАРЗИЕВ,
"Hurriyat" муҳбири.

ТАДБИР

АҲОЛИ ХАВФСИЗЛИГИ — КАТТА БОЙЛИК

Яқинда Фавқуллода вазиятлар вазирлиги томонидан ташкил этилган "Республика аҳолиси ва ҳудудларини фавқуллода вазиятлардан муҳофаза қилиш самардорлигини ошириш йўллари" мавзусида илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда вазирлик тизимида 2009 йил давомида амалга оширилган тадбирлар, кенг кўламли ишларнинг бажарилиш ҳолати муҳокама қилиниб, фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар хусусида маълумотлар берилди.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятлардаги дарё ва сойларнинг ўзланларини тозалаш, қирғоқ ҳамда гидротехник иншоотларни мустаҳкамлаш ишлари олиб борилган. Натижанда 1 миллион 862 минг кубометр tuppoқ, 35771 кубометр тош ва 5670 кубометр бетон қуйиш ишлари амалга оширилган. Бундан ташқари жорий йилда республикамиз ҳудудидаги 33 та

сув омбори, 48 та селхонада сув тошқинларини талафотсиз ўтказиб юборишга тайёргарлик ҳолати текширилиб, зарур чоралар кўрилди.

Фавқуллода вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти билан ҳамкорликда жорий йилда 1208 нафар тингловчини фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш бўйича тайёргарликдан ўтказди. Шунингдек, вазирликнинг

ҳудудий бошқармалари томонидан жойларда содир этилиши мумкин бўлган табиий ва техноген вазиятларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш, бундай ҳолатларда аҳолининг бажариши лозим бўлган ҳаракатлари хусусида қорхоналар, ташкилотлар, ўқув муассасалари ва маҳалларда 1038 марта суҳбатлар ўтказиб, тегишли кўрсатмалар берилди. Республикадаги уяли телефон операторлари орқали аҳолини об-ҳавонинг кескин ўзгариши ва фавқуллода вазиятлар содир бўлиш эҳтимоли тўғрисида маълумотлардан хабардор этиш мақсадида бу ҳақда SMS хабарлари юборилди.

Азим ИСМАТИЛЛОВ,
"Hurriyat" муҳбири.

О1 ОГОҲЛАНТИРАДИ

ДОИМИЙ ҲУШЁРЛИК КЕРАК

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 ноябрдаги фармойишига биноан республикамизда жорий йилнинг 23 ноябрдан 23 декабргача "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилаётипти. Ушбу тадбир давомида Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ ва ТИИБ ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан жойларда тушунтириш ишлари олиб борилди. Жумладан, соҳанинг масъул ходимлари қатор ўқув масканларида, қорхона ва ташкилотларда бўлиб, ёнғиннинг олдини олиш, у содир бўлганда биринчи навбатда қандай чоралар кўриш кераклиги тўғрисида маълумотлар бериб, одамларни ҳушёрликка чақирди.

Дарҳақиқат, ёнғин қачон ва қаерда пайдо бўлмасин, ўзидан доим муҳдиш из қолдиради. У туфайли қанчадан-қанча одамлар бошпанасиз қолади,

саломатлигини йўқотади, ҳатто ҳаётдан бевақф кўз юмади. Давлат мулкига зийн етказилади. Буларнинг олдини олиш эса ҳаммамизга боғлиқ. Бунинг учун жойларда ўз вақтида одамларга тушунтириш ишлари олиб бориш ҳам катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиш жуда муҳим. "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" даврида соҳанинг масъул ходимлари масаланинг ана шундай томонларига алоҳида эътибор қаратишди. Уйлаймизки, мазкур ойлик даврида олиб борган ишлар ўз самарасини беради. Қолаверса, ёнғин хавфсизлиги қондаларига барчамиз доимий амал қилишимиз даркор

Р. ЗОИТОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ
12-ХЕҲО инспектори.

ЭҲТИЁТКОРЛИК КЎНГИЛСИЗЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ

Кўпгина ташкилот ва қорхоналардаги ишчи-ҳодимлар билан ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя этиш мақсадида ўтказилган учрашувларда куз-қиш даврида хонадонларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ўтказилаётган "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" давомида фаол иштирок этиш таъкидлаб ўтилди. Шунинг-

дек, фуқароларга ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя этиш тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиш орқали сиз ёнғиннинг келиб чиқишини бартараф этган, давлат ва шахсий мол-мулкнингизни, ўзингизни ва атрофингиздаги кишилар ҳаётини асраб

қолган бўласиз. Шу сабабли газ ва электр асбоб-ускуналаридан фойдаланишда энг оддий тартиб-қоидаларга риоя қилиш маълумотларини унутмаслигингизни сўраймиз.

И. АХМАДЖОНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
Ёнғин хавфсизлиги
бошқармаси
12-ХЕҲО 3-алоҳида
пост кичик инспектори.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳузуридаги Курортлар бошқармаси жамоаси

жонажон Ўзбекистонимиз аҳолисини


кириб келаётган янги

2010 йил —

Баркамол авлод йили

билан самимий муборакбод этади.

Янги йилда ҳаммага соғлиқ-омонлик, хотиржамлик, хушқайфият тилаб, барча эзгу ниятлари амалга ошишини истайди.



Шу билан бирга, юрtdошларимизга қуйидаги санаторийларда мароқли дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари учун таклиф этади:

1. "АБУ АЛИ ИБН СИНО" САНАТОРИЙСИ МЧЖ. Қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқанднинг Нуробод туманида жойлашган. **Манзил:** Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, Нурбулоқ кўрғони.

Телефон: (8-3662) 29-47-09 (Самарқанд), (8-36663) 3-18-09 (Нуробод).

2. "ОҚТОШ" САНАТОРИЙСИ МЧЖ. Тошкент шаҳридан 65 км. масофада жойлашган. **Манзил:** Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Оқтош қишлоғи.

Телефон: (8-37074) 22-983 (Ғазалкент).

3. "БЎСТОН" САНАТОРИЙСИ МЧЖ. Тошкент шаҳридан 30 км. масофада, денгиз сатҳидан 450 метр баландликда жойлашган. **Манзил:** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Байтқўрғон ҚФЙ.

Телефон: (8-37071) 5-43-11, 5-50-83 (Чирчиқ).

4. "БОТАНИКА" САНАТОРИЙСИ МЧЖ. Иқлимий ва бальнеологик курорт, Тошкент шаҳридан 30 км. масофада, Тяньшан тоғи этакларида, денгиз сатҳидан 570 метр баландликда жойлашган. **Манзил:** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ ҚФЙ.

Телефон: (8-371) 300-86-46 (Тошкент), (8-37095) 61-761 (Қибрай).

5. "ЗОМИН" САНАТОРИЙСИ МЧЖ. Жиззах вилоятидаги иқлимий курорт, Туркистон тоғ тизмасининг шимолий этакларида, денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда, кўриқхона ҳудудида жойлашган. **Манзил:** Жиззах вилояти, Зомин тумани.

Телефон: (8-37222) 100-10 (Зомин).

6. "КОСОНСОЙ" САНАТОРИЙСИ МЧЖ. Наманган вилояти Чотқол тоғ тизмалари этагида, Косонсой дарёси бўйида жойлашган, иқлимий ва бальнеологик санаторий. **Манзил:** Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 21-уй.

Телефон: (8-36965) 21-192 (Косонсой).

7. "ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ" САНАТОРИЙСИ МЧЖ. Қашқадарё воҳасидаги сўлим жойлардан бири бўлган Қашқадарё дарёсининг соҳилида жойлашган. **Манзил:** Қарши шаҳри, Н.Мирзаев кўчаси, 12-уй.

Телефон: (8-37522) 6-17-26 (Қарши).

8. "СИТОРАИ МОХИ ХОСА" САНАТОРИЙСИ МЧЖ. Иқлимий ва бальнеологик курорт, у Бухоро шаҳрининг шарқий чеккасида жойлашган. **Манзил:** Бухоро шаҳри, Мохи Хоса даҳаси, Шифокорлар кўчаси, 1-уй.

Телефон: (8-365) 228-50-66, 228-50-26, 228-50-88.

9. "ТУРОН" САНАТОРИЙСИ ОАЖ. Тошкент шаҳрида жойлашган. **Манзил:** Тошкент шаҳар, Шўртена кўчаси, 159-уй.

Телефон: (8-371) 266-40-34 (Тошкент).

10. "УМИД ГУЛШАНИ" САНАТОРИЙСИ МЧЖ. Тошкент вилоятининг сўлим гушасида жойлашган. **Манзил:** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, А.Навоий кўчаси, 1-уй.

Телефон: (8-37095) 61-955 (Қибрай).

11. "ХОНҚА" САНАТОРИЙСИ МЧЖ. Замонавий архитектура ютуқлари асосида бунёд қилинган, Амударё қирғоғига яқин жойлашган бальнеологик курорт. **Манзил:** Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Қирқён қишлоғи.

Телефон: (8-36239) 91-586.

12. "ЧОРТОҚ" САНАТОРИЙСИ ОАЖ. Наманган шаҳридан 25 км. масофада, Чортоқсой дарёси ёқасида жойлашган бальнеологик ва иқлимий курортдир. **Манзил:** Наманган вилояти, Чортоқ тумани, А.Сайдалиев кўчаси, 5-уй.

Телефон: (8-36941) 26-444 (Чортоқ).

13. "ЧИМЁН" САНАТОРИЙСИ МЧЖ. Фарғона шаҳридан 32 км. масофада, Қатран-Ғау тоғ тизмаси ён бағрида, Олтинсой дарёси водийсида жойлашган. **Манзил:** Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Чимён қишлоғи.


Телефон: (8-37335) 235-61 (Фарғона).

14. "ЧИНОБОД" САНАТОРИЙСИ ОАЖ. Тошкент шаҳридаги бальнеологик балчиқли курорт. **Манзил:** Тошкент шаҳар, Чинобод кўчаси, 88-уй.

Телефон: (8-371) 212-29-12 (Тошкент).

15. "ОЛТИНСОЙ" САНАТОРИЙСИ. Навоий вилоятининг Хатирчи туманида жойлашган. Кўп тармоқли соғломлаштириш маскани. **Манзил:** Оқтоғ ён бағрида жойлашган.

Телефон: 8-593-435-42-09; 8-590-501-71-42.



ЭЪЗОЗ

Ишхонаси — иккинчи уйи ёки касбига содиқ кишилар тўғрисида

Шундай инсонлар борки, қилаётган иши унчалик кўза қуринмаслиги мумкин. Лекин уларнинг ҳаётда ўз ўрни бор. Бугун сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонларимизнинг ҳаёт йўли кўпчиликка ибрат бўлса арзийди. Оқдониёна касб эгаларининг апрофидоғларига ўз хизмати билан манзур бўлаётганликлари яхшилик тимсоли бўлиб туюлади, менга. «Газетанинг оғирини бир чеккада кўтариб тургандан кейин уларни ҳам ҳамкасбимиз дейишимиз керак», дейди устоз журналистлардан бири улар ҳақида тўқилганиб. Умр бўйи матн терувчилик, операторлик касбини эъозлаб келаётган инсонлар ҳақида уларнинг замондошлари фикрига эътибор бериш кўпчиликка қизиқ бўлса керак. Биз қуйида «Мағрифат» газетаси таҳририятида ушбу касбни эъозлаб келаётган Кутбинсо Фозилова ва Дилобар Эргашевлар ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Хар қандай катта ҳажмдаги, мураккаб матн Дилобарнинг кўларидан рисоладагидек бўлиб чиқади. Тез ёзишдан ташқари, у ниҳоятда саводлиги билан кўпчиликнинг хурматини қозонган. Ҳамма ҳам бирорнинг кўлбасини ҳадеганда тушунавермайди. Лекин Дилобар хар қандай тушуниб бўлмайдиган «ажи-бужи» ёзувни ҳам бемалол ўқий олади. Агар бир кун Дилобарнинг компютери ишламай қолса дарров билинади. Чунки унинг бармоқлари сеҳри, ўзгаларникига ўхшамайди.

— Дилобар мен таҳрир қилган материаллардаги сўзларни жой-жойга қўйиб кўчириш маҳоратига эга, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Махмуд Саъдий. — Таҳрирларни осон топади. Сўзларни қайси бетдан олиб, қайси бетга қўйиб кераклигини ҳам яхши билади. Газетага мақола олиб келатган айрим ёшларнинг саводхонлиги ҳаминқадар. Уларни буюб-бежаб ташлашимизга тўғри келади. Матнни кўчиришда Дилобардек ходимларимизга сабр-тоқат берсин. Утмишда ёзилган Навоийнинг сатрларини кўпчилик ту-

шунмаслиги мумкин. Дилобар эса уларни ёзаётганда бирор иштибоҳларга дуч келса, муаллифдан сўрайди, эътиборли, синчков операторларнинг садағаси кетсанг арзийди. Ижодий мухитнинг яхши-ланишида ҳам операторларнинг ўрни катта. Дилобар ҳамманинг иззатини жойига қўяди. Биринчи галдаги «номерга» кетадиган мақола-ларни тиради. Дилобарнинг муомаласи ширин. Ўз касбини тирикчилик манбаи эмас, ҳаётнинг мазмунига айлантира олган.

1978 йилда Дилобар опа «Тошкент оқшиси» газетасига ишга келди. Холаси шу газетада ишлар эди. Аввал холасининг тақлифига муюфиқ республика стенография ва машинкада териш курсига борди. Ўқиш жараёнида холасининг ёнига бориб, териш малакасини эгаллади. Иш топа олмай қийналиб юрган кунларининг бирида «Тошкент ҳақиқати» газетасида унга омад кулди: бир аёл меҳнат тавтилига кетадиган экан. Унинг ўрнига ишга кирди. Фаолиятининг биринчи кунини ҳамон эслайди. Жасур Носиров, дея ўзини таништирган журналист шошиб унинг хонасига кирди.

— Янги келган терувчи сизми, қизим? — сўради ундан.
— Ха, — дея ҳадик аралаш жавоб берди опа.
— Ёзинг, рубрика, — деди ҳалиги киши.

— Ёзиб бўлдим, айтаверинг, — дегандек уларга қаради. Шу пайт хонада қаттиқ кулгу янгради. Кулги сабабини сўрашга истиҳола килди. Жасур ака эса ўзини кулгудан зўрга тўхтади, тушунтира кетди:

— «Рубрика» сарлавҳадан олдин қўйиладиган сўз, буни ёзиш учун айтмадим.

Таҳририятда бу каби эсда қоларли воқеалар кўп бўларди. Бир кун у журналист Ҳабибулла Олимжонов билан хатларга жавоб ёзмоқчи бўлди. Кўшн хонада таниқли хофизнинг қўшиги янграб турарди. Хатга тушуна олмай, Ҳабибулла ака узоқ ўйланиб қолди. Опа тез-тез ёзишга ўрганган эмасми, давом этинг дегандек тик қараб турарди. Бир пайт диктовка қолиб, ашуладаги сўзларни ёзиб кетибди. Шунда Ҳабибулла ака кўзойнақ остидан бир қараб, хо-хо-хо-лаб кулиб юборса, учиб тушибди.

— Вой, Дилобар нимани ёзаяпсиз?
— Бундай қараски, ашуладаги сўзлар қозғола ёзилиб турганмиш. Бўлди кулгу, бўлди кулгу!

— Дилобар опа — зиёли аёл, — дейди «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси муҳбири Иқбол Қўшбаева. — Бу аёл инсонни ўқий олади, тушунади, маслаҳатлари билан қалбинга қиради. Уни қўришим билан кўнглимда ёруғлик пайдо бўлади. Юморни тушунади, жиддийлики ҳам ўрнига қўяди. Хар гал оёғим Дилобар опа томон етаклайди. Шу аёлни бир марта бўлса ҳам бориб курсам, дейман. Ҳаёт бир текис, силлиқ эмас. Лекин Дилобар опа хар қандай тушқин вазиятда ҳам ўзида куч топа олади. Хар қандай қийинчиликка қарамай юзида табассум. Менимча, Дилобар опага қараб аёл кудрати — сукутати, заковати — табассумида экан, деган туйғу кечади қалбда.

Ишхона — касбига содиқ инсонларнинг иккинчи уйи. Негаки, улар бу ерга меҳр қўйишган. Кутбинсо Фозилова, Дилобар опадек инсонларнинг меҳнатсеварлиги, ўз ишининг фидойилигини қўриб эса, қанийд улардаги бу каби хислатлар барчага юкса, дегим келади.

Хулқар ФАРМОН қизи

Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида

(Бошланғичи 1-бетда.)

Тадбирда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова, фахрий меҳмон сифатида иштирок этган Озорбайжон Республикаси Омбудсмани Р.Самедов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Ботир Дадабоев, «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири Сафар Остонов ва бошқалар сўз олиб, матбуот аҳолининг ҳоли ва ҳаққоний ахборотга эга бўлиш ҳуқуқлари таъминлаши, юрдошларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва билимини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишга муносиб ҳисса қўшиб келаётганини таъкидлашди.

Йиғилиш якунида «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» ижодий танловнинг жорий йилги ғолиблари номи эълон қилинди. Биринчи ўринга «Анджоннома» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Илҳомжон Эгамназаров ва бўлим мудирини Галибожон Абдуллаев, иккинчи ўринга «Қашқадар» газетаси бўлим



мудирини Абдуразақ Муродов, учинчи ўринга эса «Зарафшон» газетаси муҳбири Маннон Убайдуллаевлар лойиқ деб топилди.

— Биз асосан ҳамкасбим Галибожон Абдуллаев билан ижодий жұфтлик асосида фаолият кўрсатдик, — дейди танлов ғолиби, «Анджоннома» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Илҳомжон Эгамназаров. — «Кураман десам, йўл беришмайпти», «Уй сойти олганим айби нима?» каби мақолаларимиз жамоатчилик орасида ҳам катта баҳамунзараларга сабаб бўлди. Ҳақ сўз айтишининг машаққати залворли. Бизни баъзан судга ҳам беришди. Аммо адолат барибир ғолиб кели-

шига қатъий ишонганимиз бонс, танлаган йўлимиздан чекинмадик ва тўғри қилганимизга айни пайтда яна бир бор амин бўлаяпмиз. Бугунги рағбат, бугунги эътибор келгусида кучимизга куч, қатъиятимишга қатъият қўшишга шубҳа йўқ. Бунинг учун танлов ташкилотчиларига ўзим ва газетамиз номидан чуқур миннатдорчилик ихзор этаман.

Тадбир якунида танлов ғолиблари ва фаол иштирокчилари қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

А.ПАРДАЕВ,
«Hurriyat» муҳбири.
Н.ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

АВВАЛИ

Тошқанд шаҳрида хат битадурғон мошина

Ушбу вақтда Тошқанд шаҳрида ўлбастнуй маҳамада хат битадурғон мошина бордур. Ул мошинанинг катталиги тикиш тикадурғон мошинадин катта эмас. Ул машина шул тарика қилинганким хар қайси харф бир симга ўлтурулгандур. Ул сим қўтарилиб қоғазга уруладур ул мошина билан хат йозғучи бармоғини керак харф ўлтурулган симнинг учига урадур. Андин кейин хат битгучи бошқа бир сим урадур. Андин кейин учинчисини ала ҳаза ал-қиёс (худи шундай) ул қоғазда бутун калима йозиладур. Масалан Тошқанд деган сўзни битмоқ учун аввал Т йопуштурулган сим урулса керак андин кейин алифлик сим, андин кейин Ш лик, андин

кейин К ала ҳаза ал-қиёс ул мошина билан йозғучи бармоғи жуда тез ҳаракат қиладур. Қоғазда керак сўзлар йозила борадур. Ушбу вақтда ўлбастнуй маҳамада хизматга талук хар хил хатларни ул мошинада йозиладур. Ул машинани йозишни аниқ фаҳлламақ учун ва одам меҳнатларини йахшироқ ва осонроқ қилмоқга боис Йоврупо халқини илмига қадар қимат қўймоқ учун ул мошинани ўзи кўрулса бўладур. Ул мошинанинг баҳоси тўрт йуз сўмдур. Албата кейин-кейин ул мошина арзон сотилса керак.

«Туркистон вилоятининг газети»
19 феврал 1890 йил



ҲУРМАТЛИ ЮРШДОШЛАР!

«Асака» банки (ОАЖ) жамоаси Сизларни кириб келаётган Янги — 2010 йил билан чин қалбдан табриклайди ва қўйидаги янги муддатли омонат турларини тақлиф этади.

Миллий валютадаги омонат.

1. «Янги йил — 2010».

Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 30% ҳисобланади.

Ҳисобланган фоизлар омонат очилган кунни берилади.

Хорижий валютадаги омонатлар.

1. «Стабильный» Еврода.

Сақланиш муддати — 3 ой, омонат бўйича йиллик 8% ҳисобланади.

Ҳисобланган фоизлар омонат ёпилганда берилади.

2. «Универсал» АҚШ долларарида.

Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 10% ҳисобланади.

Ҳисобланган фоизлар омонат очилган кунни берилади.

«Асака» банки (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!

— маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!


— Эгаллик ва тасарруф ҳуқуқий ўз ихтиёрингизда!

— миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиб мумкин. Мурожаат учун: «Асака» банки (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	8 371	120-83-13
Автотранспорт филиали	8 371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	8 371	140-39-36
Юнусобод филиали	8 371	225-16-46
Сирғали филиали	8 371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	8 371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	8 374	224-40-96
Асака филиали	8 374	233-13-69
Фарҳод филиали	8 374	229-97-53
Фарғона вилоят филиали	8 373	224-70-83
Марғилон филиали	8 373	237-12-37
Олтиариқ филиали	8 373	432-10-11
Қўқон филиали	8 373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	8 369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	8 436	223-54-32
Зарафшон филиали	8 436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	8 365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	8 365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	8 366	231-08-86
Афросиёб филиали	8 366	234-17-96
Қашқадар вилоят филиали	8 375	221-12-93
Сурхондар вилоят филиали	8 376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	8 361	223-72-47
Хоразм вилоят филиали	8 362	226-97-78
Сирдар вилоят филиали	8 367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	8 372	226-43-11



ДУНЁДА НИМА ГАП?



"АГРОБАНК"

очиқ акциядорлик тижорат банки

"Виза" халқаро пластик карталари процессинги учун яратилаётган процессинг марказига дастурий таъминотлар ва технологик ускуналарни харид қилиш мақсадида

тендер эълон қилади.

Тендер шартлари, техникавий топшириқ ҳамда бошқа тендер ҳужжатларини "Агробанк" ОАТБнинг Халқаро банк фаолияти бош бошқармасидан куйидаги манзилда олиш мумкин:
Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43-уй.
Кўшимча маълумотлар учун телефонлар:
(8.371) 150-53-43, 150-85-27.

Тендер бўйича таклифлар мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой мобайнида юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

ОАТБ "Агробанк"нинг тендер комиссияси

Объявление о тендере

"В связи с созданием процессингового центра для процессинга международных пластиковых карт «Виза» открытой акционерно-коммерческой банк «Агробанк» объявляет тендер на поставку программного обеспечения и технологического оборудования.

Условия тендера, техническое задание и другую тендерную документацию можно получить в Главном управлении международной банковской деятельности ОАКБ «Агробанк» по адресу: гор. Ташкент, ул. Муқими, д.43.

Телефоны для дополнительных справок: (8.371) 150-53-43, 150-85-27.
Предложения по тендеру принимаются по указанному выше адресу в течение одного месяца со дня публикации настоящего объявления.

Тендерная комиссия ОАКБ «Агробанк»

Tender Announcement

In connection with establishment of processing center for Visa International cards processing, Open Joint-Stock Commercial Bank "Agrobank" announces tender for purchase of software and technological equipment.

Tender conditions, requirements specification and other tender documentation it is possible to receive in the international Banking Department of OJSC Agrobank on following address: 43 Mukimi street, Tashkent, tel.: (8.371) 150-53-43, 150-85-27.

Offers on tender are accepted during one month period from the date of present announcement publication on address mentioned above.

Tender commission of OJSC "Agrobank"

СОЛИҚ ТИЗИМИ

Камерал назорат: ҲАР ИККИ ТОМОН УЧУН МАНФААТЛИ

— Солиқ кодексининг 70-моддасига мувофиқ, Давлат солиқ хизмати органларига камерал назорат ўтказиш вазифаси юклатилган, — дейди Учқўрғон туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи А.Нажмиддинов. — Мазкур ўрганиш давомида солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботи, шунингдек, унинг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатлар белгиланган тартибда таҳлил этилади. Ушбу жараёнда ҳисоботларни тўдиришда хатоликлар мавжуд бўлса, солиқ тўловчиларга ана шу ноаниқликларни бартарф этиш ҳақида талабнома юборилади. Солиқ тўловчилар талабномани олган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида давлат солиқ хизмати органларига тўғрилган ҳисоботларни ёки ноаниқликларни асослаб берувчи ёзма маълумотни тақдим этишлари лозим.

Жорий йилнинг тўққиз ойлик якуни билан солиқ тўловчиларнинг ҳисоботлари камерал назоратдан ўтказилганда бир қатор камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди. Жумладан, айрим йирик корхоналар микрофирмалар учун амалда бўлган солиқ имтиёзларини қўллаган ҳолда ўз ҳисоботларини тўдиришган. Бу билан эса йирик корхоналар фойда солиғи бўйича давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган тўловларни кам тўлашган. Бундан ташқари, баъзи бир корхоналарнинг солиқ идорасига топширган ҳисоботларида хато ва камчиликлар мавжудлиги аниқланмоқда. Бугун юқоридеги каби хатоликларга тузатишлар киритилди.

Бундан қўзланган асосий мақсад — солиқ ҳуқуқбузарликларини аниқлаш, олдиди олиш ва албатта қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилишдан иборат. Демак, камерал назорат ҳар икки томон учун ҳам манфаатлидир.

Маъмуржон ПАРПИЕВ,
эзиб олди.

МИЖОЗЛАР ИШОНЧИ — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Хар қандай ривожланган давлатнинг иқтисодий салоҳияти унинг молиявий тизими, хусусан, банкларнинг фаолияти билан чамбарчас bog'лик. Шу боис бугун мамлакатимиз молия муассасаларида миқозлар ишончини оқлашга, хизмат сифати ва самарасини оширишга катта эътибор қаратилган ҳолда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

"Асака" банкининг Қашқадарё вилоят филиали фаолияти билан танишганда барча жабҳаларда ижобий силжешларга эришилаётганининг шохиди бўлди. Миқозларга юқори даражада хизмат кўрсатиш билан бирга, уларга қулайликлар яратиш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, самарали лойиҳаларни молиялаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида қишлоқ инфратузилмаси тараққий этиб, маданий-маиший иншоотлар сони кўпаймоқда. Шаҳар ва қишлоқларда янги-янги курилышлар ва обodonчилик ишлари кўпаймоқда. Мазкур йўналишларга ажратилган кредитлар миқдори эса йилдан-йилга ошиб бораётти. Ушбу молиявий муассаса-

да Президентимиз фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳам ўз самарасини бераётти.

Юртбошимизнинг "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг ижросини таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, молия муассасасида 62 та омонат турлари ташкил этилиб, уларга 1200 нафардан ортик фуқаро ўз маблағини қўйган. Жорий йилда омонатлар суммаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 42 фоизга ўсганини кузатиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, филиалнинг жойларда 6 та минибанки, 4 та валюта айирбошловчи шохобчаси, 5 та махсус ва 1 та кўча кассалари фаолият кўрсатмоқда. 160 дан зиёд савдо ва маиший хизмат кўрсатиш субъектларида банк терминаллари узлуксиз фаолият кўрсатаётти. Юртбошимизнинг "Пластик картонлар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори банк тизимига ижобий ютуқлар оми-

ли бўлмоқда. Хусусан, ҳисоб-китобларнинг пластик картончалар орқали нақд пулсиз амалга оширилишига эътибор қаратилди. Хозирда миқозлар 23193 та пластик картончалардан унумли фойдаланимоқдалар. Вилоят бўйича филиал таркибиде бўлган комму-

нал ва бошқа бир марталик тўловларни қабул қилувчи 33 та "Пайнет" шохобчаси ишлаб турибди.

Шунингдек, хорижий валютадаги "MASTER CARD" ва "Maestro" пластик картончаларини очиб ва қўллаш ҳам йўлга қўйилган. Хозирда 1200 дан зиёд "Maestro" халқаро пластик картончалари муомалага чиқарилган.

— Молия муассасамизда носавдо хусусиятига эга бўлган амалиётлар, жумладан, резидент ва норезидент бўлган юридик ҳамда jisмоний шахслар учун ўрнатилган тартибда жорий валюта ҳисобварақаларини ҳамда хорижий валюта омонатларини очиш, юритиш, хорижга ва

хориждан тезкор банк пул маблағлари ўтказмаларини амалга оширишда ҳам тажриба тўлган, — дейди филиал бош ҳисобчиси Лазиз Нуруллоев. — Хусусан, "Азия-экспресс", "Близко", "Быстрая почта", "Western Union", "Universam" каби 5 турдаги

халқаро тезкор пул ўтказмалари тизими жорий этилиб, улар қизғин фаолият кўрсатаётти.

Шунингдек, банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу соҳадаги амалиётлар натижаси банк кредит портфели ҳажмини кўпайтиришга олиб келди. Жорий йилнинг декабрь ойи ҳолатига кўра филиалнинг кредит портфели қолдиги 22 миллиард сўмни ташкил қилди.

Осиё Тараққиёт банки томонидан ажратилган кичик ва "микромоллаш лойиҳаси учун йўналтирилган кредитлар бўйича банк томонидан

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга 50 миллион сўм миқдориде маблағ ажратилди. Банк филиали томонидан 100 дан зиёд миқозларга истеъмо кредитлари берилди. Кредит олган миқозларнинг аксариятини ёш оилалар ташкил қилди. Жами 211 оиллага 7 миллиард сўмдан зиёд ипотека имтиёзли кредитлари ажратилди.

Айтиш керакки, "Асака" банкининг Қашқадарё вилоят филиали фаолиятида мамлакатимиз иқтисодийнинг ҳар бир жабҳасига кўмаклашиш, ишлаб чиқариш корхоналарини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларни кузатиш мумкин. Хусусан, молия муассасаси барча соҳаларни қамраб олишни кўзда тутган. Масалан, жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра саноатга 9,4 миллиард сўм, қишлоқ хўжалиқига 864 миллион сўм, қурилишга 135,4 миллион сўм, савдога 3,7 миллиард сўм ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига 28 миллион сўм миқдориде кредитлар ажратилди.

Бугунги кунда "Яккабоғ-текс" қўша корхонаси, "Автотехизмат", "Истиклол-парранда", "Филонзор-парранда" ҳамда "Бинокор-Дизайн" очик ҳиссадорлик жамиятлари, "Ишлаб чиқариш, технологик жиҳозлаш"

бошқармаси, "Сувчи" ишлаб чиқариш корхонаси, "Қашқадарё балиқчилик", "Вилоят наслчилик" масъулияти чекланган жамиятлари, "И.П.Уздунробита", "2-транс автотехизмат" корхоналари ва бошқа қўллаб йирик хўжалик юритувчи субъектлар филиалнинг доимий ва ишончли миқозларига айланган.

— Молия муассасасининг соф фойдаси йил бошига нисбатан 70 фоизга ошди. Мақсадимиз — миқозлар ишончини қозониш, мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдан иборат, — дейди филиал бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Аскар Сувонов. — Келгусида ҳам халқимизга намунали банк хизматларини кўрсатишда давом этамиз. Инвестицион лойиҳаларни, импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган бизнес таклифларини қўллаб-қувватлаш фаолиятимиз мезонига айланди.

Дарвоқе, бугун бутун дунёда молиявий инқироз тўғрисида қўллаб-қувватлаш бўлиб бораётган тўғри сиёсат боис, молия муассасаларимизнинг миқозлар ишончини қозонаётгани иборатли ҳолдир.

Ғулом АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.


Суратларда: Банк фаолиятдан лавҳалар.

ДАРАКЛАР

ни ва қаерларга тарқалгани ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмаслар.

Текин самолётлар

2010 йилнинг иккинчи ярмида Ливан Россиядан ўнта "МиГ-29" бомбардимончи самолётлари олади. Жорий йилнинг 17 декабрь куни икки давлат ҳарбий делегациялари учрашувида шундай қарорга келинди. Шуниси қизиқи, самолётлар Россиянинг Ливанга ҳарбий ёрдами дастури доирасида бепул берилди.



Хозир Ливан ҳарбий ҳаво кучлари таркибиде Франциянинг эскириб қолган "Mirage" ва Британиянинг "Hawker" самолётлари бор. "МиГ-29" 1982 йилда ишлаб чиқарила бошланган. Самолёт соатига 2,4 минг километр тезликда парвоз қила олади. Ливан ушбу самолётга эга бўлгач, Яқин Шарқда ҳарбий мавқеини бироз яхшилаб олади.

Қиролнинг қарори

Бельгия қироли Альберт II Намюр музофотининг Сьернеон қалъасида иккита уйини уйсиз фуқароларга беришга қарор қилди. Бу ҳақда кеча La Capitale газетаси хабар тарқатди.

Ахборотда айтилишича, хозирча бу уйлар кимларга берилиши номаълум. Ушбу масалани қиролнинг давлат котиби Филипп Курара маҳаллий ҳокимият вакиллари билан биргаликда хал этиши керак. Қалъадаги уйлар қиролнинг мулки бўлиб, у авлоддан-авлодга ўтиб келаётган эди.

Альберт II Бельгиянинг олтинчи қироли ҳисобланади. У 1993 йили акиси Бодуэн I вафот этган тахтга ўтирган. Альберт II Буюк Британия қироличаси Елизавета II нинг қариндоши бўлади.

Суд тақиқлади

Буюк Британия олий суди British Airways авиакомпанияси стюард ва стюардессаларига Рождество байрами арафасида иш ташлашларини тақиқлади. BBC хабариде айтилишича, суднинг бу қароридан компания раҳбарияти қониқиб қолган. Уларнинг фикрича, авиаташувчилар байрам арафасида иш ташлашлар, минглаб йўловчиларнинг норозиликларига сабабчи бўлишди.

Британиялик стюард ва стюардессалар Рождество байрами арафасида 12 кунлик иш ташлаш эълон қилишганди. Уларнинг бу қарорини компания қасаба уюшмаси аъзоларининг 92 фоизи қўллаб-қувватлади. Авиакомпания ходимлари иш ҳақларининг оширилишини талаб қилишмоқда.

British Airways иқтисодий инқироздан катта зарар кўрди. Фақат жорий йилнинг олти ойида компания кўрган зарар 292 миллион фунт-стерлингни ташкил қилди.

Махбуслар қочишди

Янги Гвинеянинг Лаэ шаҳридаги қамоқхонадан 73 нафар махбус қочиб кетди. ABC News хабариде айтили-

шича, улар икки девордан ошиб ўтиб, қамоқхона бошлиғи ва бир қўриқчинини гаровга олишган ҳамда улардан тирик қалқон сифатида фойдаланиб, қамоқхонани тарқ этишган.

Полиция вакилининг айтишича, хозиргача икки махбус қўлга тушган, бир махбус эса қочиш пайтида отиб ташланган. Қолганларнинг қаерга кетгани номаълум. Полиция аҳолини воқеадан огоҳ этди ва хушёр бўлишга чакирди.

Жорий йилнинг сентябрь ойида ҳам мамлакатнинг Порт-Морсби шаҳридаги қамоқхонадан 44 нафар махбус қочишга муваффақ бўлганди.

Денгиздаги ҳалокат

Ўрта Ер денгизининг Ливанга яқин қирғоқларида бортида 83 нафар денгизчи бўлган Панамага қарашли Daplu Two кемаси чўкиб кетди. Бу ҳақда France-Press хабар тарқатди.

Хабарда айтилишича, кеңкурган Ливаннинг шимолидаги Триполи портидан 17 километр узоқликда қаттиқ бўронга дуч келган кема чўкиб кетган. Кеманинг қаердан йўлга чиққани ҳақида хозирча маълумот йўқ. Лекин у Суриянинг Тартус портига келиши керак эди.

Кемани қутқариш ишларига Ливан ҳарбий денгиз флотининг тўққизта қартери, БМТнинг тинчликпарвар кучларига хизмат қилаётган учта кема жалб этилди. Шунингдек, Ливан ҳукумати Кипрда жойлашган Буюк Британия ҳарбий базасидаги вертолётларини ҳам ёрдамга чакирди. Дастлабки маълумотларга қараганда, хозирча уч киши қутқариб олинган, қолганларнинг тақдирини номаълум.

Толибларга қарши амалиёт

Франция ва АҚШлик ҳарбийлар Афғонистонда йирик ҳарбий амалиёт ўтказишди. «Септентрион» (Шимол) деб номланган бу амалиётларда 1100 нафар аскарлар иштирок этди. Уларнинг 800 нафари француз ҳарбийларидир. Амалиётлардан қўзланган асосий мақсад Кобул яқинидаги Узбин водийсида афгон хавфсизлик кучлари позициясини мустаҳкамлаш эди.



France-Press хабариде айтилишича, амалиёт муваффақиятли ўтган. Бир неча толиблар ўлдирилган. Шунингдек, учта АҚШ аскари ҳам жароҳат олган. Улар вертолётда Баграм ҳарбий базасига олиб келинди.

Ушбу амалиёт толибларнинг 2008 йил 18 августдаги ҳужумига иттифоқчиларнинг жавоби бўлди. Ушанда толиблар ҳужумидан 10 нафар француз аскари ҳалок бўлган, 23 нафари эса турли даражада тан жароҳати олганди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

МЕРОС

Миллий мероси бой элмиз

Халқ оғзаки ижоди уни яратган элнинг орзу-умидларини, эзгу ниятларини ўзида акс эттиргани билан ҳам қадрлидир.

Ҳар гал болалигимни ёдга олсам, эртақ ва ривоятларни маромига етказиб сўзлаб берувчи Исмаилов полвон бобом (жойлари жаннатда бўлсин) ёдимга тушаверади. Кимлардир учун эр кишининг алла айтиши ғайритабиий туюлиши мумкин, аммо, менимча, қалбида фарзандига аталган эзгу нияти бор ҳар бир инсон бу сеҳрли кўшиқни куйлаганида дилидаги орзулари рўёбга чиқади. Қолаверса, алланинг гўдаклар руҳиятига ижобий таъсири беқиёсдир. Бобом ҳар оқшом бизни аллалаб ухлатарди. У айтган бахшиёна аллалар ҳамон қулоғим остида жаранглайди:

Хийёей, хийёей,
Туйлар келсин, хийёей,
Кўйлар келсин, хийёей,
Бахтли бўлсин, хийёей,
Тахтли бўлсин, хийёей,
Хийёей, хийёей.



Дарҳақиқат, она ватанимиз ўтмиши бой, миллий мероси эса унданда бойроқ юртдир. Шу боис Халқимизнинг бахшилари кўп. Элимиз фарзандлари халқ оғзаки ижодини ўзгача ҳурмат билан, аждодлардан авлодларга етказишни шараф деб билади.


Зухра ИСМАТУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Миллий
университети
журналистика факультети
талабаси.

“Ўзбектелеком”

АКнинг “Қорақалпоғистон телеком” филиали жамоаси

азиз юртдошларимизни Янги йил байрами билан самимий қутлаб, барчага юксак меҳнат зафарларини забт этишларини тилайди.

Янги — 2010 йил
қутлуғ бўлсин!



КИНОТАҚРИЗ

“ЗАБАРЖАД” —
ЁЛФИЗ ҚИЗНИНГ ҚАЛБ ТУҒЁНЛАРИ

Аёл қалби — тилсимлар ичра энг буюк тилсим. Ҳеч бир инсон йўқки, буни англамоққа уринмаган бўлса. “Забаржад” (сценарий муаллифи — Эркин Авзам, режиссиёр — Баҳодир Одилов) фильми ана шундай уришилар маҳсули. Унда қиз кўнглини ифода-ламоққа, англамоққа жазм этилган. Аммо қай даражада бунинг урдасидан чиқилди?

Бунга ҳар бир томошабиннинг ўз жавоби бор. Фикримча, излашни самарасиз бўлмаган. Ушбу фильмда ҳаётдаги кўплаб қизларнинг юракларидеги улкан дард ифодалаб берилган. Бундай хулосага келишимнинг асоси бор, албатта.

Яқинда ана шу фильм “ойнаи жаҳон” орқали намойиш этилди. Гарчи уни аввал ҳам икки марта кўрган бўлсам-да, яна қайта томоша қилдим. Чунки хонадошим — 34

ёшли ҳали турмуш қурмаган қизнинг истаги кинони кўриш эди. Фильмнинг бошланиши (қизнинг отаси вафот этган, оиланинг боқувчиси ёлғиз у, қолаверса, у ҳақда таниш-билишлари, ишхонасидагилар турли бемаъни хаёлларга боради)дан то ниҳоятсига етгунича ҳамхонамнинг кўз ёши тинмади. Чунки киноасарнинг бош қаҳрамони Забаржад ва хонадошимнинг тақдир айнан бир хил бўлмаса-да, жуда ўхшаш эди. Ҳақиқатан ҳам бош



қаҳрамон ролини истеъдодли актриса Илмира Раҳимжонова маромига етказиб ижро этган. Қизнинг ҳис-туйғулари, унинг руҳиятида кечаётган галаёнлар тўла очиб берилган, назаримда. Фильмнинг дастлабки дақиқаларида қизнинг ўз номусини мардонавор

ҳимоя қилишиданок томошабин бош қаҳрамонни яхши кўриб қолади. Кейинчалик Забаржад турмуш ташвишларидан жуда қийналиб кетганида ўзи севган инсонга кўнғироқ қилишидаги ҳолат ҳам жуда табиий ва ишонарли чиққан. Айниқса, қиз суйган кишининг бепарқлигидан оғринганидаги лавҳа жуда ишонарли. Унинг “Сизга бошқа умуман кўнғироқ қилмайман! Забаржад сўзим!” дейиши, аммо озроқ вақт ўтгач, яна кўнғироқ қилавериши меҳр-муҳаббатга, суюнчга ташна қизнинг руҳиятини ёрқин ифодалаб берган.

Аммо фильмда баъзи жузъий камчиликлар ҳам борки, улар синчков томошабин эътиборидан четда қолмайди. Масалан,

ота юртидан қайтаётганида Забаржаднинг қўлида битта шиша идишда булоқ суви бор эди, холос. Уни эса уйнинг ҳовлисида (жаноза устидан чиққанида) синдириб қўяди. Аммо уйга кирганида укасига ўша қишлоқдан олиб келган сувидан беради. Ваҳоланки, тасвирда кўрсатилганида, шиша идиш бош қаҳрамоннинг қўлидан тушиб синган ва табиийки, унинг ичидаги сув ҳам тўкилиб кетган эди.

Булар унчалик эътибор бермаса ҳам бўладиган камчиликлар, албатта. Умуман олганда, менимча “Забаржад” фильмини Аёл қалбини ёритишга уринган ва бу йўлда эътирофга лойиқ муваффақиятларга эриша олган киноасарлар қаторига қўшиш мумкин.

Ситора
ТОЖИДДИНОВА

Qishloq Qurilish Bank

“Moody’s Investors Service”

халқаро рейтинг компанияси томонидан

“Қишлоқ қурилиш банк”

Очиқ акциядорлик тижорат банки

фаолияти учун халқаро рейтинг шкаласи бўйича жорий йилда берилган ва аввалги йилга нисбатан кўтарилган

“B2/NP/E+” рейтинг баҳосининг

“B1/NP/E+”

даражасига кўтарилгани таъкидланди.

Банкка берилган барча рейтинглар

“Барқарор” прогнозига эга.

Qishloq Qurilish Bank —

фаровон ҳаётингиз хизматида!

Ахборот маркази телефонлари:

(+99871) 233-71-72, 236-16-17

e-mail info@qqb.uz

www/qishloqqurilishbank/uz

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
“ТУРОН” БАНК

ЮРТИМИЗ АҲЛИНИ КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ — 2010 ЙИЛ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЯНГИ “ФАВВОРА” ОМОНАТИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- Омонат қабул қилиш муддати — 2009 йилнинг 5 декабридан 2010 йилнинг 10 январигача қабул қилинади;
- Омонатни сақлаш муддати — 2 ойдан 6 ойгача;
- Омонат фоизи — йиллик **28%** ҳисобида;
- Фоизларни тўлаш — тўлов қабул қилинган кундан бошлаб икки ойдан сўнг ёки омонат муддати тугагандан кейин тўланади;
- Алоҳида шартлар — жамғарма муддати 4 ойдан ошса йиллик **2% бонус**, 6 ойдан ошса **4% бонус** қўшиб берилади.

Омонатларга қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақида маълумот банк сирини ҳисобланади. Омонатдан олинган даромад солиққа тортилмайди.

Омонатларнинг фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш фонди томонидан кафолатланган.

Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизли даромадининг биринчи талабдаёқ берилади. Унутманг, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан юз фоиз таъминланади.

Маълумотларни (+998 97) 700 55 55 телефонидан ёки www.turonbank.uz сайтидан олишингиз мумкин.

МАЪНАВИЯТ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРAT

ХАЛҚ БАНКИ

*Бунёдкор халқимизни, ёш авлод камолотига камарбаста
юртдошларимизни яқинлашиб келаётган
ЯНГИ ~ 2010 БАҲКАМОЛ АВЛОД йили билан
самимий муборакбод этади.*

Байрам муносабати билан сиз азиэларга

янги — “ҚИШ ЗИЙНАТИ”

муддатли ютуқли омонат турини таклиф этади.

“ҚИШ ЗИЙНАТИ” омонат турига маблағлар жисмоний шахслар томонидан миллий валютада камида 50 000 (элик минг) сўм миқдоридан нақд ва нақд пулсиз равишда йиллик 14 фоиз миқдоридан даромад тўлаш шarti билан 2009 йил 21 декабридан бошлаб 2010 йил 1 февралига қадар (1 февраль ҳисобга олинмайди) қабул қилинади.

Мазкур омонатга фоиз даромади тўланиши билан бирга ютуқлар тиражи ўтказилиб, тираж якунига кўра ютуқлар тўланади. “ҚИШ ЗИЙНАТИ” ютуқли омонати бўйича ютуқлар тиражи 2010 йил февраль ойининг иккинчи декадасида ўтказилади.

АХОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН!

Мурожаат учун тел.: (8.371)150-12-91

Хизматлар лицензияланган. Лиц №25. 25.01.2003.

ШЕЪРИЯТ

“СЕВГИ
НАДИР,
ДЕДИНГ...”



ХУРШИДА

*Изиндан ихтиёр — иҳор истадим,
Дилиндан изтироб — ихор истадим,
Ғанимдан ижтиноб бисёр истадим,
Топдимми, топмадим, билмадим!?
Сўзингдан мажозий қарор истадим,
Юзингдан самовий шарор истадим,
Бағрингдан баҳарий иффор истадим,
Топдим-у, тўпдинг-у, олмадим —
Кўнглидан ижозат бўлмади!*

— *Айт, ҳаётдан нолиб нетасан?
— Ишқсиз урмай кўймоқда юрак,
Бақога ишқ излаб кетаман!
— Сабр қилсанг кўниб кетасан!?
— Қирқ йил қилган сабрим — бесамар!
— Самолардан келмиш хушхабар,
“Муродинга энди етасан!”*

*Менга, сабр, дединг, то қабр, дединг,
Каломдан сўнг сенинг сўзинг, дедим мен,
Сен ва мен висолга етган тун тонгла
Маъшир воқе бўлур ўзи, дедим мен!..*

*Севи надир, дединг, ишқ — ҳазил, дединг,
Беишқ қолсам, жоним, узил, дедим мен!
Туни Қадр, дедим, оққушига айт,
Минг тунлик тилагим — асл, дедим мен!*

*Меърожим — тушимга сен кирган кеча,
Ибодатимсан тўрт фасл, дедим мен!
Ушшоқ юрагимда тўқилган тақбир,
Пулсирот ипига тизил, дедим мен!*

*Сенга беролмасам ишқ гулларимни,
Кўйлаб бўлган барча кўшиқларимни,
Кетавегум, майли, ёлгон дунёдан...
...Пок либослар кийиб зару зиёдан,
Юрак-ла саралаб раъза гулларин,
Лол этиб жаннатнинг ийни хурларин,
Энг аввали чиқиб пешвоз йўлингга,
Тутқазгум гулларим аста қўлингга!
Мурод ҳосил бўлур бормоқларимда:
Тул ҳиди уфурган бармоқларим-ла
Бармогинга тақиб қўймай секин,
Нурдан ясалган чин никоҳ узугин!..*

ТАФАККУР

“МЕН ҲАМИША БЎШ ПАЙТИМДА КЎПРОҚ БАНД БЎЛАМАН”

Вақт — ақлий меҳнат киши-сининг сармосидир.

О. БАЛЪЗАК

Модомики вақт энг қиммат-баҳо мулк экан, унда вақтни талон-торож қилиш энг оғир гуноҳдир.

Б. ФРАНКЛИН

Бир ишга машғул бўлган кишилар вақтни ўтганини билмас, ялқов кишилар учун бир соат вақт ўткармак қиёматдан қийиндур.

Абдулла АВЛЮНИЙ

Вақтни бой бераётганида хуноб бўладиган одам энг доно одамдир.

ДАНТЕ

“Эртага” сўзи қатъиятсиз кишилар ва болалар учун ўйлаб топилган.

И.С. ТУРГЕНЕВ

Мен ҳамиша бўш пайтимда кўпроқ банд бўламан.

ЦИЦЕРОН

Ўртамиёна одам вақтни тез ўтказиш пайида бўлади, истез-дод соҳиб эса ундан фойдаланиб қолишга уринади.

А. ШОПЕНГАУЭР

Одам табиятан қизиқ ярашган — бойлигини йўқотса хафа бўлади-ю, умри эса кетмаётганига эса парво қилмайди.

Абул ФАРОЖ

Яхши ўтган ҳар қандай умр узоқ умрдир.

Леонардо Да Винчи



“O'zvinosanoat-holding” компанияси жамоаси

халқимизни ва юртимиз меҳмонларини
яқинлашиб келаётган

ЯНГИ — 2010 ЙИЛ БИЛАН

самимий муборакбод этади.

Янги йилда


барчага бахт-саодат,

оилавий тинчлик-хоширжамлик,

жамики орзу-ниятларининг

рўёбини тилаймиз.

Ватанимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин!



ИЗЛАНИШ


ИХТИРОЧИ ТАЛАБА

Ихтиро. Бу сўз замирида инсоннинг йиллаб чеккан заҳмати, тинимсиз изланиши ва юксак тафаккури маҳсули муҳассам. Дунё тарихида улмас ном қолдирган буюк аждодларимизнинг кашфиётларини бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а! Мислсиз истеъдод соҳибларининг ноёб асарлари ҳали ҳамон дунё нигоҳида.



сухбатлашганимизда у камтарлик билан шундай деди:

— Шамол ёрдамида электр энергия олиш қурилмаси ни яратиб ҳаракати 2007 йилда бошланган эди. Аслида бундай қурилмаларнинг кўп нусхалари ихтиро қилинган. Аммо менинг



ниятим бошқача. Шу ихтиром билан юртдошларимизга озгина нафим тегса, менга шунинг ўзи кифоя. Тасаввур қилинг, тоғда ойлаб қўй боқиб юрадиган чўпонлар учун электр энергияси, албатта, муаммо. Мазкур қурилма ёрдамида чўпон тушилик учун чой қайнатиб оلسа, бу катта иш.

Ҳозир Тоштемир ясаган бу қурилма муҳандислар кўригидан ўтказилиб, амалиётга татбиқ эти-

лиш арафасида. Тоштемир каби талабаларга механиканинг сирасорларидан сабоқ бераётган Ботир ака Мирнигматовни қўшимча дарс ўтиладиган хонада учратдик. Маълум бўлишича, 2004 йилда "Конструкциявий материаллар технологияси, амалий механика ва стандартлаштириш" кафедраси мудири Хасан Туркменов бошчилигида "Еш механиклар" тўғраги ўз фаолиятини бошлаган экан. Ушбу тўғрақ хонаси касбига меҳри банд талабалар билан бугун ҳам гавжум.

— Шамол ёрдамида электр энергия олиш қурилмаси ни яратиб ҳаракати 2007 йилда бошланган эди. Аслида бундай қурилмаларнинг кўп нусхалари ихтиро қилинган. Аммо менинг

ниятим бошқача. Шу ихтиром билан юртдошларимизга озгина нафим тегса, менга шунинг ўзи кифоя. Тасаввур қилинг, тоғда ойлаб қўй боқиб юрадиган чўпонлар учун электр энергияси, албатта, муаммо. Мазкур қурилма ёрдамида чўпон тушилик учун чой қайнатиб оلسа, бу катта иш.

Ҳозир Тоштемир ясаган бу қурилма муҳандислар кўригидан ўтказилиб, амалиётга татбиқ эти-

Маъмура ЁКУБОВА, ЎзДЖТУ талабаси.

СПОРТ

"ПАХТАКОР"ГА ЯНГИ МУРАББИЙ КЕЛДИ



Тошкентнинг "Пахтакор" футбол жамоаси 2010 йилги мавсумни янги бош мураббий билан бошлайдиган бўлди. Эндилкида клуб футболчиларини черногориялик мутахассис Миодраг Радуллович майдонга бошлаб тушади.

Бу ҳақда www.fanat.uz сайти хабар тарқатди. Шу ўринда ушбу мураббий хусусида қўсқача тўхталалиб ўтсак. Миодраг Радуллович 1967 йилнинг 23 октябрида Черногориянинг Подгорице шаҳрида дунёга келган. У футболчилик фаолияти давомида собиқ Югославия, шунингдек, Греция клублари шарафини ҳимоя қилган. Мураббийлик фаолиятини эса Сербия ва Черногориянинг куйи лигасидаги клубларда бошқарган. Кейинчалик Португалиянинг "Боавишта" клубида катта мураббий лавозимида ишлаган. "Пахтакор" жамоасига келгунга қадар Черногория миллий терма жамоаси бош мураббийининг ёрдамчиси сифатида фаолият юритган.


МАЙДОНДА ЎЗБЕК ҲАКАМЛАРИ

Осиё футбол конфедерацияси 2011 йилда ўтказиладиган қитъа чемпионатининг саралаш мусобақаси доирасида келгуси йилнинг 6 январида бўлиб ўтадиган учрашувларнинг иккитасини бошқариш учун ўзбекистонлик ҳакамлар гуруҳини жалб этди.

Яъни саралаш турнирининг "В" гуруҳидан жой олган Кувайт ва Австралия миллий терма жамоалари ўртасидаги учрашувни Осиёнинг 2008 ва 2009 йиллардаги энг яхши ҳаками Равшан Эрматов бошқаради. Унга Абдулҳамид Расуллов, Рафазль Илёсов ва Владислав Цейтлин ёрдам беради. "D" гуруҳидаги Ливан ва Вьетнам миллий терма жамоалари баҳсида ҳамюртимиз Валентин Коваленко бош ҳакам вазирасини бажаради. Унга Андрей Миронов, Андрей Букатин ҳамда Вадим Агишев кўмаклашади.

СЎНГИ ҲАҚДА ЯНГИ ИЛЛИКНИНГ ЭНГ ЯХШИ ТЕННИСЧИСИ

Яқинда Жаҳон профессионал теннисчилар ассоциацияси ўтган йилликнинг энг яхши теннисчилари рўйхатини эълон қилди.



Мазкур ҳақда биринчи ўринни Катта шлем турнирлари доирасидаги учрашувларда ўн беш марта ғолибликни кўлга киритган швейцариялик Рожер Федерер эгаллади.

Иккинчи ўрин испаниялик Рафазль Надалга насиб этган бўлса, учинчи ўринни австралиялик Ллейтон Хьюитт кўлга киритди. Рўйхатдаги энг охириги ўрин Энди Роддикка лойиқ кўрилди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш мумкинки, охириги ўн йиллик энг яхши теннисчилари рўйхатидан Пит Сампрас, Марат Сафин, Густаво Куэртена, Николай Давиденко, Давид Налбандян ва Хуан Карлос Ферреролар ҳам жой олган.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

Ў.Холмуротов номидаги Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт Маркази жамоаси яқинлашиб келаётган 2010 йил — Янги йил айёми билан барга юртдошларимизни гин юракдан қўтлаб, уларга тўхташқам сизгай-саломатлик, улкан ютқулар тилайди. Янги йил ҳаммамизга омадли ва баракали келсин!

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ОТНИНГ АРАЗИ



Отнинг инсонга вафодорлиги ҳақида кўп эшитганман. Аммо пулқоқимлик Рашид Хурсанов сўзлаб берган воқеа ҳамон қулоғим остида жаранлайди...

— Ота-боболарим чавандоз бўлишган, — дея гап бошлади Рашид ака. — Шунинг учунми, болалигимдан отга меҳрим бўлачқ. Қареддаир кўпқари ўтказиладигани ҳақида эшитсам, тинчим йўқолади. Ижоният топиб, ўша томон чопқилламан. Бундан беш-олти йил илгари бир насли тойдқни таннш чавандоздан сотиб олдим. Қашқа эди. Унинг бошига тоғ саҳарга ҳам, кеч оқиомада ҳам айланиб парварншлардим. Юганидан етақлаб, яйлов айлантнрардим. Тойқоқ етилиб, улоқ чопса бўладиган даражада кўркам отга айланди. Бир кунни уни миниб кўшни қишлоққа ўтаётган кўпқари бордим. Отимни кўрға соймай атрофдан томоша қилиб турганим, қашқадарёлик Холтўра деган чавандоз ёнимга келиб: "Ака, шу отнингизни беринг, бир кўпқарига солиб кўрай", деб илтимос қилди. Мен унга жавобан: "От ҳали ёш, бунинг устига бирор марта ҳам улоқ чопмаган. Сизга уни беролмайман", дедим. Аммо чавандознинг ишаниш бахандлиги, қайта-қайта сўровларидан сўнг: "Майли, номи чикқан бир чавандознинг сухани снжмасин", дея рози бўлдим. "Хў, чавандоз отни бирганига кўпқарига солинг, атрофида айланнб юрманг", дея қайта-қайта тайнлаладим. Чавандоз ҳам мен айтгандай отни тўғри улоқ тортишайётган кўр ичига солиб борди. Бир пайт отим улоқни тўғадан ажратиб, илгариллаб кетди. Баковулнинг узоқдан "Ҳало, ҳало!" деган хайқирини эшитилди. Ушанга отим тўғ айбрганди. Кўпқаридан сўнг отни уйга олиб келиб, боғладим. Қарншисига эса у кўпқаридан айбрган тўғни боғлаб қўйдим. Биласизми, одам бирор тоғни ёнлигиданоқ парварнш қилса, унинг ҳар бир ҳаракатини, қилганини маъносини тушунаркан. От қарншиса у кўпқаридан айбрган тўғни боғлаб қўйганимдан сўнг,

жониворнинг ерни тнрнаб, маърур кишнлашлари, қознқ атрофида тннмснз айланншлари бошқача эди...

Яна бир кунн отни "совутиш" ва сувлаш учун Қорадарогага сой томон хайбгадим. Йўлда нимадир бўлди-ю, аччиқ билан отга икки қамчи соғдим. Ноғрнн урганимни шу заҳоти сезган эдим-у, лекин энди кеч эди.

Отни сойга тушириб сувлайётганнмга, қарншмдаги жингилзордан пнснб етган кўш потнрлаб учиб чикди. От кўшнинг ноҳос учганидан хуркиди ва икки олдинги оёқларини даст кўтариб, мени эгардан тушириб юборди. Сезгнмки, от ҳалиги ноғрнн урилган икки қамчининг қасдини олаятти. Мени эгардан иртнган от айргалаганича қарншмдаги тепалнхка чикнб, мен томон бурилади. Гўе: "Қалай ўчнми олдимми?" дегандай маърур турарди. Мен аста-аста от томон иптнлдим. У ҳам аста-аста мени ўзига яқинлашнртмасдан айргалаб илгариллади. Сўнг кўр орпига ўшганича кўздан тоғиб бўлди.

Шундан сўнг, у мен билан ярашди, шекилли, емишга қараб бошини охурга солди. Шу-шу отни ҳеч қачон урмасликка онт ичдим...

Собир ЁДИКОВ

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

давлат акциядорлик компанияси жамоаси

маллакатимиз халқини, шунингдек, юртимиз меҳмонларини яқинлашиб келаётган янги — 2010 йил билан салтанатий табриклайди.

Байрамингиз кутмуз бўлсин, азиз ватандошлар!



HURRIYAT MUSTAQIL GAZETA. Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528. Индекс: яқли обуначилар ва таъкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдуракул ЖУМАКУЛ. ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУХАММАД, Азамат ЗИЁ, Наним КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдукаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир уринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ. Тахририятга келган хатларга Ўзма жавоб қайтарилади.

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. e-mail: hurriyat@doda.uz. Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51. Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13. Тел-факс: 233-36-02. ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11. Андижон — 8-374-250-90-39. Бухоро — 8-365-592-85-02. Самарқанд — 8-366-233-62-12. Тошкент — 8-370-383-97-53. Қашқадарь — 8-375-310-17-73. Сирдарь — 8-372-366-99-21. Сурхондарь — 8-376-370-12-01. Фаргона — 8-373-225-80-58. Хоразм — 8-362-224-73-33.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ. Топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.20. ® — тижорат белгиси. Адади: 9838. Буюртма — Г-1126 123 5